
Бағдодда "Уч авлод учрашуви" тадбири ўтказилди

Бу йилги Наврўз умумхалқ байрами шодиёналари "Ҳар кунинг Наврўз бўлсин, жонажон юртим!" шиори остида бўлиб ўтади. Миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этган байрам арафасида Бағдод тумани "Маҳалла ва нурунийларни қўллаб қувватлаш бўлими ташаббуси ҳамда туман маънавият бўлими ҳамкорлигида "Нурунийлар маскани"да "Уч авлод учрашуви" тадбири ўтказилди.

Конизар маҳалласида жойлашган сўлим гўшада ташкил этилган тадбирни Фарғона вилояти "Нуруний" жамғармасининг бошқарув раиси Зокиржон Раҳимов, туман Нурунийлар бўйича маслаҳатчиси, Маҳалла ҳайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раиси Машрабжон Ҳурбоев, туман пурокурори, 2-сектор раҳбари Акмалжон Ҳасанов ва туман "Маънавият ва маърифат" бўлинмаси раҳбари Исломжон Аҳмедовлар кириш сўзи билан очиб беришди.

Сўз олганлар юртимизда, хусусан, туманимизда бугун барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислохотлар эл ишончини оқлаш, ҳудудларни янада обод этиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилганлигини яна бир бор таъкидлар.

Шу ҳудудда истиқомат қилаётган Мадаминжон ота Собиров, Абдуносир Сиддиқов, Абдулатиф Тошпўлатовлар эзгу мақсадларни қамраб олган "Уч авлод учрашуви"нинг асосий қаҳрамонлари бўлишди. Учрашувга меҳнат фахрийлари, ишчи-хизматчилар ва ёшлар таклиф этилди.

"Нурунийлар маскани" хушовоз хонандалари томонидан бахту-саодат ва тинчликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янграб, бадий жамоаларнинг чиқишлари намойиш этилди. Учрашув сўнггида иштирокчиларга Маҳалла ҳайрия жамоад фонди ҳамда нурунийлар жамғармаси томонидан эсдалик совғалари топширилди.

2023-03-16 18:18:54